## ШАРТНОМА

Жомашуй ш. №1 29.09.2022 йил

Амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи **"Қурбанова Жамила" ЯТТ** номидан иш кўрувчи **Қурбанова Жамила** бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи **Мингбулоқ туман мактабгача таълим бўлими** номидан бўлим мудири **М.Атақўзиева** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги товарларни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати қуйидагича белгиланган.

| № | Товар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Пасте бельё | комплект | 300 | 52 000 | 15 600 000 |
| 2. | Покривал | дона | 700 | 52 000 | 36 400 000 |
| 3. | Подушка | дона | 700 | 35 500 | 24 850 000 |
| 4. | | | | | |
| | Жами: | | | | 76 850 000 |

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **76 850 000** (Етмиш олти миллион саккиз юз эллик минг) сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни **30 фоиз** тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 30 кун муддат ичида товарларни (махсулот) мактабгача таълим муассаси манзилига "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган хужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил хисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар (маҳсулот) учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **"Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

"Етказиб берувчи" дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив-хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш; ........... ............... ........................

"Етказиб берувчи" дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофик тегишли сифат, ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш.

3.2. **"Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:**

Етказиб берилган товарларни (махсулот) учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

Товарларни (махсулот) мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

Етказиб берувчи санитария-эпидимиологик хулосани харидорга етказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАЛАБЛАРИ

4.1. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

4.2. "Харидор" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни кафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади:

шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), харидор манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат қилиб, "Етказиб берувчи" нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистан Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товарларнинг (махсулот) тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи" ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Товарларни (махсулот) етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган такдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.2. Етказиб берилган товар (махсулот) учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун

кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.3. Агар етказиб берилган "Товар (маҳсулот)"нинг сифати, ассортименти, стандарт ва техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, «Етказиб берувчи» "Товар (маҳсулот)" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.4. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

7.3. Форс-мажор холати, яъни томонларга боғлиқ бўлмаган холатлар (ёнгин, сув тошқини шу каби енгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома Мингбулок туман ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «Хизмат кўрсатувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **"Курбанова Жамила" ЯТТ** | **Мингбулок Мактабгача таълим бўлими** |
| **Манзил:** Жомашуй.ш Ойбек МФЙ<br>Учуйили кўча 10/11<br>Тел./факс:+99894-501-40-05 | **Манзил:** Мингбулок тумани Жомашуй ш<br>Тел 45-22-8-05<br>ш/ҳ*<br>100022860142047091100251038 |
| х/в: 20218000300790140001 | Банкнинг номи АТБ Агробанк<br>х/в бюджетдан маблағ олувчи<br>СТИР: 305151814 |
| Банк номи Микрокредит банк Жомашуй филиали | ОКОНХ: 85100 |
| МФО: 00233<br>СТИР: 42605812200015<br>ОКОНХ__________ | Ғазначилик: Ўзб.Рес. Молия вазирлиги<br>Ғазна ҳ/в 23402000300100001010<br>Банкнинг номи Марказий банк<br>МФО 00014 Ғазначилик бўлинмаси |
| Раҳбар ____________ **Ж.Курбонова** | СТИР: 201122919 |

| | | |
|---|---|---|
| [[QR]] | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.<br>Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | undefined |
| | Imzolangan sana | undefined |
| | Hujjat kodi | **undefined** |
| | Hulosa kodi | **undefined** |

# YURIDIK XULOSA

№ EX02111144

**«Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 21-moddasi tartibida**

***2022-yil 27-sentabr***

***Mingbuloq t.***

**Mingbuloq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi** hamda **"Qurbanova Jamila" YTT** o'rtasida **76 850 000** (Yetmish olti million sakkiz yuz ellik ming) so'mlik mahsulotlarni yetkazib berish yuzasidan tuzilgan shartnoma loyihasini amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiqligi jihatidan tekshirildi va quyidagilar aniqlandi, jumladan:

mazkur shartnomada ko'rsatilgan munosabatlar **O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi** hamda **«Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonuni** bilan tartibga solinadi;

shartnoma shartlari «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 10-moddasi hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 354-moddasi talablariga mos keladi;

taraflarning javobgarligi va nizolarni hal etish tartibi belgilangan.

Mazkur shartoma loyihasining tuzilishida O'zbekiston Respublikasining 22.04.2021-yildagi **«Davlat xaridlari to'g'risida»gi O'RQ-684-sonli qonuni** 71-moddasi, O'zbekiston Respublikasining 22.04.1998-yildagi **«Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»gi 670-I-sonli qonuni** hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 14.09.2021-yildagi **«Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida» PF-6313-sonli farmoni** hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018-yildagi 3953-sonli qarori bilan tasdiqlangan **«Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar)»**gi Ro'yxat talablariga muvofiq ishlab chiqilgan. Yuqoridagi o'rganishlarga asosan,

## XULOSA:

Mazkur shartnoma loyihasi qonunchilikka muvofiqligi yuzasidan tegishli tartibda o'rganib chiqilib, taraflar tomonidan tegishli tartibda imzolashlari mumkinligini tavsiya etaman.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **D.F.Jakbarov**

**2022-yil 27-sentabr**

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

"28" сентябрь 2022 йил Мингбулок тумани

Наманган вилояти худудидаги Мингбулок туман мактабгача таъли булими томонидан 2022 йил "23" сентябрдаги 22110012147389- сонли лот асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сон "Давлат харидлари тўғриси"даги конуни 56 ва 58 – моддалари талабларид келиб чикиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Мингбулок тума Мактабгача таълим ташкилотларига ётокхона учун тушамалар сотиб оли режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асоси Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли "Давл харидлари тўғриси"даги конуни 60 ва 61 моддалари талабларидан кел чикиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйи якка тадбиркор "KURBANOVA JAMILA ABDULBORIYEVNA" томонид берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг макбули д топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомал "Давлат харидлари тўғриси"даги конуни 62 моддасига асосан давл буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларини электрон тизимига мухокама килиш учун икки иш кунига жойлаштирил Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томони танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юкорид холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комисси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузили

мумкин ҳисобланишни белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Давлат буюртмачи ташкилоти раҳбари**
----------

**Давлат буюртмачи ташкилоти бош ҳисобчиси**
----------